

Янги Ўзбекистонда маънавий тараққиёт асосларини
кучайтиришнинг долзарб масалалари



**РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
МАРКАЗИ**



**“МАЪРИФАТ”
ТАРҒИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ**

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
МАРКАЗИ БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ**

2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИНИ
КУЧАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

республика илмий-назарий анжумани материаллари

2022 йил 2 декабрь

Бухоро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон Қарори ҳамда 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, шукроналик, тинчлик ва шу каби эзгу мақсадларга йўналтирилган мазкур илмий-назарий анжумани мақолалар тўпламида республикадаги маънавият ва маърифат тарғиботчилари, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, маданият ходимларининг долзарб мавзулардаги илмий мақолалари ўрин олган.

Тақдим этилаётган ушбу илмий-назарий анжумани материаллари тўплами турли соҳа мутахассислари ҳамда кенг илмий жамоатчилик учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Марҳабо Давлатовна Пардаева

*Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят
бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди, доцент.*

Таҳрир хайъати аъзолари:

Х.П.Кенжаева – Бухоро тиббиёт институти катта ўқитувчиси.

Х.Х.Рахматова – Бухоро давлат педагогика институти доценти,
ф.ф.н.

Тақризчилар:

Э.Зоиров – Бухоро муҳандислик технология институти доценти,
ф.ф.н.

З.А.Ахмедова – Бухоро давлат тиббиёт институти доценти, ф.ф.н.

*Мақолаларда келтирилган маълумотлар учун муаллифлар
жавобгардирлар.*

Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят
бўлими қарори билан нашрга тавсия қилинган.

ЭРИК БЕРН НАЗАРИЯСИ БЎЙИЧА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Саломова Моҳибону Ўткир қизи

Бухоро давлат университети магистранти

Ҳозирги кунда жаҳон психологияси фани ўзини ўзи идора қилиш, ўзини ўзи бошқариш ва такомиллаштириш, ўзини ўзи кўлга олиш, ўзига-ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи тарбиялаш бўйича бой материаллар тўплаган, бу эса ўз навбатида инсон муносабати, мақсади, ҳолати, кечинмалари ўзгариши ва янгидан яралиши ҳақида илмий-тадбикий маълумотлар беради, кундалик турмуш психологияси ранг-баранглигини таъминлаб туради. Умуман, ўзини ўзи идора қилиш муаммоси ҳозирги замон аклий жараёнлар, ҳиссий кечинмалар, образлар ва тасаввурлар мажмуасида ўз ифодасини топмоқда. Бу эса ўзининг ижтимоий-психологик талабларига ва тамойилларига эга эканлиги билан ажралиб туради. Ташқи объектларнинг психика шаклида махсус тана аъзолари қурилмасининг фаол ва илгарилаб инъикос этиши шарофати билан мазкур объектларнинг хусусиятига мутлақо мутаносиб ҳаракатларни амалга ошириш имконияти юзага келади. Шу билан бирга психиканинг вазият устуворлиги ва ижтимоий фаоллиги туфайли организмнинг таркиблари ўртасида яшаш учун кураш рўёбга чиқади. Бу эса шахснинг ҳиссий-иродавий хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, шахсни кўплаб фанлар турли хил томондан ўрганади. Айнан мазкур муаммони ўрганиш бўйича бир йўналиш биологик бўлса, бошқаси – социологик, яна бир тури индивидуал психологик ва ниҳоят, яна бир ёндашув ижтимоий психологикдир. **Биологик** нуқтаи назардан ўзини ўзи идора қилиш шахс тараққиёти индивид наслий жиҳатдан орттирган генетик дастурларнинг амалда рўёбга чиқиши тарзида тасаввур этилади. **Социологик** ёндашувда эса шахснинг маданий-тарихий муҳит таъсирида камол топишини тан олади. Улардан фарқли **индивидуал-психологик** ёндашув ўзини ўзи идора қилишни шахснинг ривожланиши, унинг тана тузилиши ёки конституционал жиҳатлари ва асаб тизими типининг таъсири борлигини таъкидлаб, ўрганади.

Шахснинг ўзини ўзи идора қилишини ўрганишнинг *ижтимоий-психологик ёндашуви* уни ижтимоийлашувнинг

бевосита маҳсули сифатида қараб, унинг ижтимоий психологик тизимини бевосита ўраб тўрган ижтимоий муҳит таъсирида ўрганади. А.Н. Сухов ва А.А. Деркачларнинг таъкидлашларида шахснинг ўзини ўзи идора қилиши ҳақида гап кетганда, аввало унинг ўзини ўзи англаши, фикрлаш тарзи, қадриятлари тизими, мотивацион белгилари (йўналганлик, ҳаётий мақсадлар, режалар, ҳаёт тарзи), когнитив сифатлар (ижтимоий тасаввурлар, ҳаёт манзаралари тўғрисидаги фикрлари), “Мен”-концепцияси, “Мен”-образи, ўзига муносабати, ўзига нисбатан баҳоси; ўзини назорат қилиш локуси, ўз-ўзини англаши, психологик билимдонлиги, ролли мақомлари, ижтимоий ҳис-туйғулари ва бошқалар назарда тутилади. Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни, инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, ноъмақул сифатларни англамасликка, уларни “яширишга” ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади бу эса ўз навбатида ўзини ўзи идора қилишда маълум бир тўсиқларни келтириб чиқариши мумкин (бу фикр австриялик олим З.Фрейд назариясига ҳам мос келади). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, салбий, ўзи учун ёқимсиз ҳиссий кечинмалар пайти ўзини идора қилишда ёрдам беради. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у ўзини ўзи идора қилиш жараёнида маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Шарқ мутафаккирлари ўзини ўзи идора қилишнинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, Абу Али ибн Сино ўзини ўзи идора қилишда ижтимоий муҳитнинг ролини юқори баҳолайди. Ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг борлиқ, унда кечаётган ўзгаришлар, жараёнлар моҳиятини англашгагина эмас, балки унинг хулқида яхши ва ёмон сифатларнинг шаклланишига ҳам сезиларли таъсир этиши, шу боис шахсдаги ўзини идора қилишда микромуҳит хусусиятлари маълум даражада аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Абу Наср Форобийнинг уқтиришича, инсон бошқалар билан муносабатда бўлиш, уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашларини ҳис этиш эҳтиёжига эга. Ана шу эҳтиёжни қондириш йўлидаги амалий ҳаракатлар инсонни камолотга ва ўзини ўзи идора қилишга етаклайди, деб ҳисоблайди. Маълумки, Шарқ мутафаккирлари комил инсонни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган ва бугунги кунда ҳам таълим-тарбия соҳасида кенг қўлланилаётган асарлардан бири бу “Қобуснома”дир. Бу асар инсон камолоти, ўз-ўзини англаши, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиши, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиши ҳамда шахс тарбияси учун зарур бўлган панд ва ўғитларни ўзида мужассамлаштирган, халқчил асар бўлганлигидан бугунги кунда ҳам халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинади.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ёшлар тарбиясида — ахлоқ тарбияси ва шу орқали ўз-ўзини англаш ва идора қилиши деб кўрсатилади. У ёшларда инсонга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, адолатлилик, самийлик, сахийлик каби ҳислатларни таркиб топтиришни истайди ва асарнинг бошидан охиригача ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, Кайковус қарашларида инсонни ўзини ўзи идора қилиш омили муҳим ўрин тутди. Унинг хулқ-одоб қоидаларига қандай риоя этиш ҳақидаги, ёшларни адолатпарвар, инсонпарвар, саховатли, қаноатли, мурувватли бўлиши ҳақидаги қарашлари, айниқса диққатга сазовор. Булардан кўриниб турибдики, Кайковус ўзини ўзи идора қилиш инсоннинг камолотини кўрсатувчи ахлоқий ҳислатлардан бири сифатида талқин этган. Кайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларни ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолиятга татбиқи нуқтаи назаридан ифодалаши билан ҳамма замонларда, ҳар қандай тузумда ҳам ўз қимматини йўқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Румийнинг фикрича Инсон ким ўзи? Инсоний қадр — қиммат, идрокнинг фақат сабаб ва баҳоналарига ёпишиб олган, турли кўринишдаги бир олам... Ўз ҳақиқатига қиёсланганда йўқ даражада кичик парчаси кашф қилиниши мумкин бўлган бир мавжудод... Шахснинг яшашдаги ҳар бир нафас олишида, ҳар бир фаолият кўрсатишида, қўяётган қадамида жавобгарлик ҳиссини туйиши —

уни теран нигоҳ билан қараб туриб, дадил жавоб бера оладиган инсонийлик сифатини шакллантиради. Бунинг энг асосий сабабчиси илмлилика йўғрилган фикрдадир. Ўзлик – мен буни шундай англайман - уни кўриб, ушлаб бўлмайди. Уни фақатгина ҳис қилиш мумкин ва кўнгил орқали моҳиятини англаш мумкин. Ўзлигини йўқотган инсонни мен бир илдизсиз дарахт мисолида кўраман. Ўзликни англаш учун ақл, жон, руҳ биргаликдаги ҳаракатининг самараси инсоннинг ҳаётдаги топган йўлида белгиланади. Маълумки, ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъий назар, энг аввало, унинг миллий онги ва ўз-ўзини англаш психологиясида ёрқин гавдаланади. Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир. Айни маҳалда шуни назарда тутиш зарурки, “ижтимоий онг — бу объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгида акс этишидир. Шундай экан, ҳар бир халқ, элат ва миллат ўзининг ижтимоий ҳаётини акс эттирадиган этник онгга эгадир. Мазкур этник онгнинг таркибий қисмини уруғ, қабила, элат ва миллатларнинг онги ташкил этади. Этник онг ижтимоий онгга нисбатан конкрет тушунча бўлиб, унда уруғ, қабила, элат, миллатларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, ижтимоий психологияси, дунёқараши акс этади.

Абу Наср Форобийнинг фикрича ўзининг асарларида ўзини ўзи идора қилиш масаласида инсонлардаги чидамлилиқ, сабр-матонат, бардошлилик каби хислатларни ўрни бекиёс эканлигини таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, ўзини ўзи идора қилиш шахсларнинг ўзини англаши, ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлган миллий онг ва ўз-ўзини англаш - ўзининг маълум этник гуруҳга мансублигини, ватанининг тарихи, аجدодлари қолдирган анъаналар, маросимлар, мерос ва амалий тажрибани, миллий манфаатларни умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур англаши, муайян муштарак ғоя ва мафкурага таяниб, ўз халқи ва ватанининг истиқлоли ва истиқболи йўлида фидокорона хизмат қилиши, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиб, уларнинг ўзига хослиги ва манфаатларини ҳурмат қилишидир. Ҳар бир халқнинг миллий онги ва ўз-ўзини

англашининг ўсиб бориши унинг миллий маънавияти ривожланиши даражаси, имкониятлари билан белгиланади. Бошқача айтганда, етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг натижаси сифатида юзага келади. Ҳар қандай миллат ўз қадр-қимматини билиши ва англаши, келажакка комил ишонч билан бориши умумий миллий маънавият, миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира ва дунёқарашнинг ўзаро диалектик бирликда ривожланиши билан белгиланади. Қадимий бой меросимизнинг қимматли манбаларини юзага олиб чиқиш, уни ҳозирги замон педагогик-психологик тафаккури истеъмолига киритишдан мақсад аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши, тарбияси, инсоният тафаккури тарихи, унинг жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ривожланишида тутган ўрни ва мавқеини билиб олиш ҳамда янги давр шароитида баркамол шахсни шакллантиришда фойдаланишдан иборат. Яратилган ҳар бир рисола, ҳар бир таълимий-ахлоқий асар ўзига хос таълим ва тарбия жиҳатдан маълум қимматга эга. Ушбу манбаларнинг тарбиявий имкониятлари ва талабаларда ўзини ўзи идора қилишни ривожлантиришдаги аҳамияти ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Демак, ўзини ўзи идора қилиш – юқорида келтирилган шарқ мутаффакирларининг асарларида ҳам маълум маънода келтириб ўтилган. Зеро, ушбу ахлоқий асарларни ўзлаштириш жараёнида талаба-ёшлар ўзлари учун зарур бўлган психологик билимларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлишади.

Адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино. Мен англаган дунё. Тошкент: Шарқ. 2015.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 224 б.
3. Кайковус. «Қобуснома» Тошкент: Истиқлол, 1992.
4. Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. Тошкент: Ёзувчи, 1997
5. Фрейд, З. По ту сторону принципа удовольствия [Текст] / З. Фрейд И Психология бессознательного. - М. : Педагогика, 1989. - С. 382-424.
6. Кириленко, Т.С. Теоретические аспекты проблемы психических состояний человека [Текст] / Т.С. Кириленко II Проблемы философии. - Киев, 1989. - № 79. - С. 121-127.

МУНДАРИЖА

	<i>Минҳожиддин МИРЗО</i>	СЎЗ БОШИ ЎРНИДА	3
	1-ШЎЪБА: «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ» КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ		
1	<i>Ж.Т.Шермухамедова</i>	ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШДА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ РОЛИ	5
2	<i>Г.Н.Наврўзова</i>	БАҲОУДДИН НАҚШБАНД МАЪРИФАТГА ОИД КАЛОМЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ	11
3	<i>М.Д.Пардаева</i>	ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ АСОСЛАГАН КАМОЛОТ ЙЎЛИ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА	14
4	<i>Ҳ.Ю. Саломова</i>	МАЪНАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОС ВА ШИФОКОРЛИК ОДОБИ	18
5	<i>G.S.Yunusova</i>	SHARQ MUTAFAKKIRLARI ASARLARIDA INSON MOHIYATI TALQINI	22
6	<i>Э.Зоиров</i>	АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ	26
7	<i>F.N.Hodjajeva</i>	«YANGI O‘ZBEKISTON— MA’RIFATLI JAMIYAT» KONSEPSIYASINI AMALGA OSHIRISHDA MA’NAVIY TARBIYANING UZVIYLIGINI TA’MINLASHNING MA’NAVIY-MARIFIY ASOSLARI AHMAD G‘AZZOLIY ASARLARI MISOLIDA	31
8	<i>Л.П.Мухамеджанова</i>	ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ, МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	33
9	<i>М.Раҳмонова</i>	ФИТРАТНИНГ МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ОИД ФАОЛИЯТИ	39
10	<i>А.Ҳ. Ҳамроев</i>	МУСУЛМОНЛАР ЭЪТИҚОДИНИ	45

Янги Ўзбекистонда маънавий тараққиёт асосларини
кучайтиришнинг долзарб масалалари

		ТУЗАТГАН АЛЛОМА	
11	<i>М.Б.Соипова</i>	ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	48
12	<i>Н.М.Касимова</i>	ЁШЛАРДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ	52
13	<i>М.М.Матчонова</i>	ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ АХЛОҚШУНОС МУТАФАККИРЛАР ТАЛҚИНИДА	56
14	<i>Л.П.Мухамеджано- ва</i>	БУХОРОЛИК МАЪРИФАТПАРВАР САДРИ ЗИЁНИНГ ШАХСИЙ КУТУБХОНАСИ	59
15	<i>С.С.Ҳамроев</i>	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ УСТУВОРЛИГИ	65
16	<i>T.B.Xudoyqulov, J.O'.Ro'ziqulov</i>	YANGI O'ZBEKISTONNI MA'RIFATLI JAMIYATGA AYLANTIRAMIZ	69
17	<i>Н.Р.Махмудова</i>	УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	72
18	<i>S.N.Abdullayeva</i>	AHMAD IBN UMAR IBN MUHAMMAD XIVAQIY AL-XORAZMIYNING MA'NAVIY MEROSI	77
19	<i>N.Pulatova</i>	ON THE CHARACTERISTICS OF HUMAN CHARACTERISTICS	81
20	<i>N.Boltayeva, N.Pulatova</i>	GREAT REPRESENTATIVE OF THE RENAISSANCE ERA	84
21	<i>M.Makhmudova, N.Pulatova</i>	BERUN'S TORCH OF INTELLIGENCE...	86
22	<i>B.B.O'razov</i>	ANTI-K FALSAFADA ERKINLIK G'OYASI TAKOMILI	88
23	<i>Z.R.Sayliyeva</i>	HAZRAT ALISHER NAVOIY G'AZALLARIDA TARBIYA MASALASI	91
24	<i>М.А. Чориева</i>	ПРИМЕНЕНИЕ И КОНЦЕПЦИЯ МУДРОСТИ И ФИЛОСОФИИ В ШАХНАМЕ	95
25	<i>М.Рахмонова</i>	SHARQ MUTAFAKKIRLARI ILMIY- MA'NAVIY MEROSINING AHAMIYATI	100

2- ШЎЪБА: ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАЪСИРЧАН, КРЕАТИВ ВА ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИНИНГ РОЛИ			
26	<i>Х.Х.Жабборов</i>	ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИНИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ТАЪСИРЧАН ПСИХОЛОГИК ВОСИТАЛАР	103
27	<i>Sh.B.Murtozayev, B.A. Axtamov</i>	BARKAMOL AVLOD TARBIYASI VA FUKAROLIK JAMIYATI	110
28	<i>L.Ya.Olimov</i>	YOSHLAR ONGIDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISHNING ZAMONAVIY PSIXOLOGIK OMILLARI	112
29	<i>З.И.Насимова</i>	ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ АСОСИДА ДАРС ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ	117
30	<i>Н.Э.Азимова</i>	ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА ТАРБИЯГА ТАЪСИРИ	120
31	<i>У.М.Рўзиев, М.У.Музаффарова</i>	ЎСПИРИНЛАРДА ҚЎРҚУВ, ИЖТИМОЙ ФОБИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ ВА КОРРЕКЦИЯСИ	123
3-ШЎЪБА: ЁШЛАР ҚАЛБИДА БАҒРИКЕНГЛИК, ШУКРОНАЛИК РУҲИНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ			
32	<i>С.Ҳ.Нажимова</i>	ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ ҲАМКОРЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ	129
33	<i>Г.Ҳ.Ҳамроева</i>	ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАН КУЗАТИЛАЁТГАН ИСТИҚБОЛЛИ МАСАЛАЛАР	131
34	<i>Н.Р.Мирсаевуова</i>	ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ	135

Янги Ўзбекистонда маънавий тараққиёт асосларини
кучайтиришнинг долзарб масалалари

35	<i>З.Б.Набиева</i>	МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ	139
36	<i>Н.Х. Алимова</i>	ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА УЧЯҚДИЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	143
37	<i>Д.С.Сайдуллаева</i>	ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДАГИ ЎРНИ	147
38	<i>Z.S.Elov, Yu.R.Barnoeva</i>	VOYAGA YETMAGANLAR IJOYATCHILIGINING IJTIMOIIY PSIXOLOGIK OMILLARI	151
39	<i>Г.П.Акбарова, Н.О.Адилова</i>	ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АСОСИЙ МЕТОДОЛОГИК ВА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАР	155
40	<i>Х.М.Халтурсунова</i>	МАМЛАКАТИМИЗДА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА АМАЛГА КИРИТИЛИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ	160
41	<i>F.F.Ganjiyev</i>	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ TASHKILOTI TARBIYACHILARIDA IJTIMOIIY- PSIXOLOGIK KOMPETENTLIK OMILLARINI RIVOJLANTIRUVCHI PSIXOKORREKSION DASTUR SAMARADORLIGI	164
42	<i>F.A.Ismatova, Z.S.Elov</i>	ICHKI ISHLAR BOSHQARMASI XODIMLARI KASBIY FAOLIYATINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	168
43	<i>Д.С.Сайдуллаева</i>	МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИНСОН КАМОЛОТИДАГИ АҲАМИЯТИ	173
44	<i>Қ.О.Худойбердиева</i>	ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ ИЖТИМОИЙ- ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ	176

Янги Ўзбекистонда маънавий тараққиёт асосларини
кучайтиришнинг долзарб масалалари

45	<i>Н.Д.Ёқуббоева</i>	ТИББИЙ ТАЪЛИМ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СТРАТЕГИЯСИДА КУЗАТИЛАЁТГАН ИСТИҚБОЛЛИ МАСАЛАЛАР	179
46	<i>Н.Э.Азимова, Г.Жумаева</i>	КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ ЎҚУВ- ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁНГА ТАТБИҚ ЭТИШ МУАММОЛАРИ	181
47	<i>Z.M.Maxmudova</i>	O‘SMIRLAR MA’NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHNING IJTIMOIIY- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	186
48	<i>Sh.I.Nurmuradova</i>	THE ROLE OF HISTORICAL AND CULTURAL HERITAGE IN EDUCATION OF HIGHLY SPIRITUAL YOUNG PEOPLE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS	190
49	<i>М.Ў.Саломова</i>	ЭРИК БЕРН НАЗАРИЯСИ БЎЙИЧА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ	195
50	<i>Б.З. Уринова</i>	МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИЙ МАТБУОТИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАЛҚИНИ (СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР МИСОЛИДА)	200
51	<i>Л.П.Мухамеджано- ва, Н.Н.Содиқова</i>	БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ИЛМ- ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX аср охири- XX аср бошлари)	209
52	<i>Н.С.Абидова</i>	ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ (тиббиёт институтлари мисолида)	214
53	<i>Х.Х.Рахматова</i>	YOSHLARDA BAG‘RIKENGLIK, SHUKRONALIKG‘OYALARINI SINGDIRISHDA TASAVVUF TA’LIMOTINING AHAMIYATI	219

Янги Ўзбекистонда маънавий тараққиёт асосларини
кучайтиришнинг долзарб масалалари

54	<i>Д.Т.Исматуллаева</i>	ЁШЛАР ҚАЛБИДА БАҒРИКЕНГЛИК, ШУКРОНАЛИК РУҲНИ ТАРБИЯЛАШДА АКАДЕМ МОБИЛЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ	223
55	<i>А.А.Собиров</i>	РОЛЬ ВЕРОТЕРПИМОСТИ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ ПРИНЦИПОВ В РАЗВИТИИ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА	226
4-ШЎҒБА: ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ			
56	<i>Х.Х.Жабборов</i>	МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ЁШЛАРДА ИЖОБИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ҒОЯВИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ	231
57	<i>S.Kenjaev</i>	IMPORTANT ISSUES OF IMPROVING THE IMMUNITY OF SECURITY, INTERNATIONAL HARMONY, RELIGIOUS TOLERANCE IN THE STATE OF AMIR TIMUR	238
58	<i>S.Choriyeva</i>	MILLIY QADRIYATLARGA ASOSLANGAN TO'YLARIMIZ BUXORO SHAHRI TAVSIFIDA	241
59	<i>Н.Н.Рахматов</i>	АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРИ	244
60	<i>С.Ж.Очилов М.А.Раҳмонова</i>	АЛИШЕР НАВОИЙ НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА	249
61	<i>М.Д.Пардаева</i>	МАЪНАВИЯТ ЧИРОҒИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЧМАЙДИ!	252

**"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИНИ
КУЧАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ"**

мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани
материаллари

2022 йил 2 декабрь